Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 МАРТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (13.129)

Баҳоси эркин нархда

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ВАТАНГА СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўташни бошлаган аскарларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш Ватан ҳимоячилари сафига қўшилаётган ҳар бир ўғлон ҳаётида унутилмас воқеадир. Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" монументининг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун ҳарбий қасамёд – бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

– Ўғлимни кузата туриб, фарзандим Ватан ҳимоячиси бўлганидан қалбимда чексиз фахр туйғусини ҳис қилдим, – дейди андижонлик Мансуржон Сидиқов. – Ўзим фермерман, "Нурилло" фермер хўжалигига раҳбарлик қиламан. Жамоамизнинг аксарияти ўғлим тенги шижоатли, меҳнатсевар йигитлар. Уларнинг кўпчилиги муддатли ҳарбий хизматга масъулият билан тайёргарлик кўрмоқда.

Эстрада хонандаларининг чиқиши тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бағишлади.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

Мустақиллик шарофати билан шаҳримизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бири-биридан кўркам, замонавий бинолар, турли-туман иншоотлар, кўприклар, йўллар, бозорлар, спорт мажмуалари қад ростламоқда. Бу ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига катта қулайликлар яратмоқда.



АҲОЛИГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ



Куни кеча мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда айнан шундай бунёдкорлик — пойтахт йўлларида қурилиш, кўприклар барпо этиш, трамвай йўлларини демонтаж қилиш ва бу йўналишдаги олиб борилаётган ҳамда режалаштирилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов пойтахтда бу йил олиб бориладиган кенг қамровли йўл қурилиши ва ободонлаштириш ишлари ҳақида муфассал тўхталиб ўтди.

Матбуот анжуманида пойтахтдаги транспорт воситалари оқимининг тобора кўпайиб бораётганлиги туфайли шаҳардаги мавжуд йўл-коммуникация тармоқларида муайян ўзгаришларни амалга ошириш зарурати юзага келгани маълум қилиниб, яқин 4-5 ой ичида бу борадаги бажариладиган ишлар кўлами батафсил изоҳланди.

Маълумки, 2015 йил 25 августда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида Осиё ва Беруний кўчаларини боғловчи Нурафшон кўчаси фойдаланишга топширилган эди. Матбуот анжуманида Нурафшон кўчаси Беруний кўчаси чорраҳасидан Кўкча томон давом эттирилиб, Маннон Уйғур кўчасига чиқилиши, Маннон Уйғур кўчасидан Шерозий кўчаси орқали Куйи Бўзсув каналидан ўтилиб, Чилонзор Оқтепа кўчаси билан шу номдаги майдонга чиқилиши ва бу ҳудуддаги кўприк жойдан ўтадиган автотранспорт воситаларининг оқими ҳисобга олиниб замон талаблари асосида қайта реконструкция қилиниши билдирилди. Нурафшон ва Беруний кўчалари чорраҳасидан Оқтепа майдонигача очиладиган янги йўлнинг узунлиги 3,8 километрни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

ГЕРМАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Франк-Вальтер Штайнмайер 2016 йил 30 март куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Ташриф дастуридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашув, мамлакатимиз ҳукуматида музокаралар ўтказиш ўрин олган бўлиб, уларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар муҳокама қилинади.

"ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО" ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

Хитойнинг марказий нашри — "Жэньминь жибао" газетаси ўз веб-саҳифасида Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бағишланган мақола эълон қилди.

Унда мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатлари ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатини ишончли ҳимоя қилиш борасида эришилган муваффақиятлар ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш, саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича эришган натижаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мақолада таъкидланадики, юртимиз иқтисодиётининг барқарорлиги танланган ривожланиш йўлининг тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. "Кейинги йилларда мамлакатда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Дунё миқёсида кузатилаётган ҳозирги мураккаб иқтисодий вазият ҳисобга олинса, бу жуда юксак муваффақият ҳамда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган узоқ муддатли стратегия самарадорлигининг яққол кўрсаткичи ҳисобланади", деб ёзади нашр.

Мақолада, шунингдек, реал секторга улкан маблағ жалб этган республикамизнинг фаол саноат сиёсатига юқори баҳо берилиб, бу экспорт ҳажмини янада ошириш учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини сезиларли даражада кўпайтиришни таъминлагани қайд этилган.

Бундан ташқари, "Жэньминь жибао" Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳада эришган муваффақиятлари билан ҳам ўз ўқувчиларини атрофлича таништиради. Шу ўринда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида замонавий уй-жойларни барпо этиш, янги иш ўринларини яратиш, айниқса, аёллар ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Нашрда ёзилишича, бу йўналишларда рўй бераётган ўзгаришлар аҳоли даромади ва турмуш фаровонлиги изчил ўсиб бораётганида яққол намоён бўлаётир.

Юртимизда халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши мавзуси ҳам газета эътиборидан четда қолмаган. Жумладан, Ўзбекистон — Хитой ўртасида турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати, қўшма лойиҳалар амалга оширилишининг бориши билан боғлиқ маълумотларга мақолада кенг ўрин берилган. Нашр ўзаро алоқаларнинг муҳим қирраларига тўхталар экан, сиёсий мулоқотлар барқарор равнақ топишига ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламлари янада кенгайишига юқори ишонч билдирган.

Мақолада бу йил ўзининг 15 йиллигини нишонлайдиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистон раислик қилаётгани ҳам қайд этилган. "Жэньминь жибао"да Ўзбекистон ШҲТ тараққиёти, унинг меъёрий-ҳуқуқий замини мустаҳкамланиши, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик таъминланишига муҳим ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланган. Унинг якунида маълум қилинганидек, жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммити чоғида ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо берилиши баробарида, истиқболга мўлжалланган режалари белгилаб олинади.

"Жаҳон" АА.
Пекин

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлиси 2016 йил 31 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 30 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Табиатни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида "Мусаффо табиат – порлоқ келажак учун" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда табиатни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 9-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида 2 миллиард 700 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган "Ёшлик" ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

● Андижон шаҳридаги "Боғи Бобур" дам олиш масканида "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" шиори остида миллий қадриятларимизни улуғлаш, ёшлар ўртасида анъана ва урф-одатларимизни, халқ ўйинларини кенг тарғиб қилишга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида "Оролбўйи фаунаси: муаммо ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

● Термизда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат намояндалари, олимлар, ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Италиядаги Альп тоғ тизмасининг Жанубий Тиролдаги Монте Невосо тоғида уч минг метрдан юқорирокда қор кўчкиси юз бериши натижасида олти нафар чанғичи ҳалок бўлди. Қор тагида қолиши мумкин бўлган яна бир нечта альпинистни қутқарувчилар излямоқда.

● Исроил олий суди газ заҳираларини ишга солиш тўғрисидаги битимнинг бажарилишини тўхтатди.

● Ироқнинг Бобил музофотидаги Хилла шаҳрига кираверишда террорчи портловчи модда жойланган бензин ташувчи машинани назоратўтказиш пунктига уриши натижасида кучли портлаш ва ёнғин рўй бериб, олтмишдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди.

ЧАҚИРУВГАЧА ТАЙЁРГАРЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикасида чақирув ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик тизимининг такомиллашув жараёнлари" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти масъул ходимлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан юртимизда фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари яхшиланган, чақирувнинг бир йилда бир марта бўлиши аскарларнинг хизматни сифатли ўташи, ҳарбий-жисмоний дастурларни пухта ўзлаштиришида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш сифатини яхшилаш, таълим муассасаларида ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда дастуруламал бўлаётир.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани барча касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ўқув дастурига киритилган. Ушбу фан ҳақиқий ватанпарварларни шакллантириш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик бурчини бажариш учун тайёргарлигини оширишга ёрдам бераётир.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти мамлакатимиз қуролли кучларига ҳарбий-техника мутахассислари тайёрлов курсига 17 ёшга тўлган, ҳарбий хизматга яроқли ёшлар қабул қилинмоқда.

Ёшларни чақирувга қадар тайёрлашда "Шунқорлар", "Ёш чегарачи" ҳарбий спорт ўйинлари, "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси" ва "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши ўқитувчи" сингари танловларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани муҳим омил бўлаётир.


Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири





АҲОЛИГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ







(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, Нурафшон ва Беруний кўчалари чорраҳасидан Оқтепа майдонига келадиган янги йўл Муқимий кўчасига уланиши, Муқимий кўчаси ва Бунёдкор шоҳ кўчаси чорраҳасида замонавий кўприк бунёд этилиши маълум қилинди.

Бундан ташқари, Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида ҳам жойдаги транспорт воситаларининг катта оқимидан келиб чиқиб янги кўприк бунёд этилади. Шунингдек, чорраҳадан собиқ "Таштекстильмаш" заводи ҳудуди орқали Бобур ва Нукус кўчаси чорраҳасигача, яъни бир километрлик масофада янги йўл очилади.

Натижада Беруний ва Нурафшон кўчалари чорраҳасидан бошланган янги йўл Нукус, Абдулла Қодирий, Рашидов, Осиё ва Нурафшон кўчалари билан туташтирилиб янги айланма йўл пайдо бўлади.

Шаҳарнинг марказий кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш мақсадида Яшнобод туманидаги Тараққиёт кўчаси Паркент кўчасигача узайтирилади, Паркент кўчасидаги катта ҳаракат оқимидан келиб чиқиб, кўчанинг Олтинтепа кўчасидан Катта ҳалқа йўлигача бўлган қисмида реконструкция ишлари олиб борилади.

Бундан ташқари, шаҳарнинг Белтепа даҳаси, Шифокорлар шаҳарчаси, Муқимий, Самарқанд Дарвоза, Меҳржон, Сайхун, Г.Алиев, Темирйўлчилар, Кичик ҳалқа йўли, Катта ҳалқа йўли, Фарҳод, Тўқимачи, Маннон Уйғур, Бешқайрағоч, Лутфий, Катта Хирмонтепа, Қамарнисо, Форобий, Оҳангарон, Қорасув, Фарғона йўли, Янги Қўйлиқ, Қушбеги кўчалари ва Бунёдкор шоҳ кўчаси бўйлаб ўтган жами 87,8 километр узунликдаги трамвай йўллари демонтаж қилинади.

Ушбу трамвай йўналишлари бўйлаб замонавий автобус ҳаракатлари йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Амалга ошириладиган бу ишлар орқали барча турдаги транспорт воситалари ҳаракатига нафақат қулайликлар яратилади, балки, иқтисодий самарадорликка эришиш ҳам кўзда тутилган. Айни пайтда бир нуқтадан иккинчи нуқтага бориш вақти ўрта ҳисобда камида 2-3 баравар қисқаради. Кўриниб турибдики, бунда ҳам қимматли вақт, ҳам ёқилғи тежалади.

Шунингдек, шаҳарнинг 18 та асосий кўчаларини кенгайтириш, пиёда йўлакларини ташкил этиш, йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг олиб борилиши маълум қилинди.

Матбуот анжуманида журналистлар томонидан берилган барча саволларга мутасадди раҳбарлар томонидан атрофлича жавоблар берилди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар партия кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил қилиниб, партия ишини бугунги кун талаблари асосида янада кучайтириш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида партия кенгаши олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Кенгаш томонидан ўтган 2015 йилда юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларга етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бу борадаги ишларда Миробод, Яккасарой, Юнусобод туман кенгашларининг фаоллиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда таъкидландики, партиянинг сайловолди дастури 2015-2019 йилларда партия фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш учун асос сифатида хизмат қилади ҳамда келгуси фаолиятда партиянинг барча бўғинлардаги ташкилотлари билан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳининг мустаҳкам ҳамкорлигига асосланади. Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатларининг фаолияти, сайловчилар билан ишлаш, мурожаатларга кечиктирмай жавоб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса партия нуфузининг янада юксалишига хизмат қилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ишчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, соҳага йўналтириладиган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш каби вазифалар ижросига эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.


Шунингдек, аёллар ва болалар билан ишлаш, депутатлар ташаббускорлигини ошириш, бошланғич ташкилотлар ишини кучайтириш каби масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Абдували СОДИҚОВ

Реклама ўрнида

AGROBANK

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунидан мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва шу орқали аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, зарурий чора-тадбирлар ва ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, бу борада банк тизими томонидан амалга оширилаётган ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларда соҳа вакиллари фаол иштирок этаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.



АГРОБАНК: ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Бунда айниқса, Президентимизнинг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ушбу Фармоннинг ижросини самарали таъминлаш мақсадида юртимиз банк тизимида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ажратилган маблағлар мамлакатимизнинг олис ҳудудларида хизмат кўрсатиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик соҳаларининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани билан ҳам ғоят аҳамиятлидир.


Бу жараёнларда мамлакатимизнинг етакчи банкларидан ҳисобланган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Айтиш мумкинки, мана шундай кенг саъй-ҳаракатда амалга оширилган ишларни қуйидаги рақамларда яққол кўриш мумкин. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 470 миллиард сўм, устав капитали эса 318 миллиард сўмни ташкил этди. Банк ресурс базаси 2 триллион 991 миллиард сўм, шундан жалб қилинган депозитлар 2 триллион 71 миллиард сўмга етди. Бу эса ўтган йил бошига нисбатан 110 фоизга кўпайди.

Шунингдек, ҳисобот санасига банк кредит қўйилмалари 2 триллион 215 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг 1 январига нисбатан 298 миллиард сўмга ёки 116 фоизга ошди. "Агробанк" АТБ томонидан турли йўналишлардаги тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш натижасида ўтган 2015 йилда 77,5 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Молия муассасаси томонидан ўтган йилда ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 669 миллиард сўмга етди. Бу эса аввалги йилларга нисбатан қарийб 30 фоиз кўп демакдир. Ушбу кредитлар саноатга, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт, моддий-техник таъминот ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Бундан ташқари, банк томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 5125 та лойиҳани молиялаштиришга 639 миллиард сўмлик маблағлар йўналтирилди. Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 37,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.



Албатта, шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам банк томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими ажратилаётган кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаларда эканлигидан мижозлар мамнун бўлмоқда.

Агробанк томонидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар туёғини кўпайтириш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини яхшилаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айнан ушбу йўналишга етарли миқдорда кредитлар ажратилаётгани нафақат маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, балки, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар барпо этишга етарлича имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ва энг муҳими ушбу маблағлар Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоизда берилаётгани тизим ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йилда кичик бизнес субъектларини кредитлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Улар учун 931 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шундан 275 миллиард сўмини микрокредитлар ташкил этади. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга эса 270 миллиард сўм йўналтирилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли тарзда молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ўтган йилда банк томонидан ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 38,4 миллиард сўм кредитлар йўналтирилди.

Агробанк узоқ муддатли инвестициявий кредитларнинг кредит портфелидаги улушини тобора ошириб бораётганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Бунда, асосий эътибор экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилмоқда.

Тошкент вилоятидаги "Максим Голд Текс" масъулияти чекланган жамиятига ҳам банк томонидан ажратилган кредит эвазига 95 та янги иш ўрни яратилди ва калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу кунга қадар ишлаб чиқарилган 272 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

Албатта, "Агробанк" мижозлари орасида бундай экспортчи корхоналар кўпчиликни ташкил этади.

"Агробанк" АТБ олиб бораётган ана шундай саъй-ҳаракатлар нафақат юртимизда балки, халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан доимий эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, дунёнинг нуфузли рейтинг агентликларидан "Фитч рейтингс" ва "Мудис" томонидан Агробанк фаолияти барқарор, деган юқори рейтинг баҳоси мунтазам тасдиқлаб келинмоқда.

Хизматлар лицензияланган

Қарор ва ижро

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимизда Президентимизнинг 2014 йил 15 майдаги "Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида замонавий энергия ва ресурс тежайдиган ускуналар билан жиҳозланган маҳаллий кичик қозонхоналар қуриш ишлари олиб борилмоқда.

"Тошиссиққуввати" унитар корхонаси ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Бахтиёр Муҳримовнинг таъкидлашича, пойтахтимизда барча туманларни қамраб оладиган ягона марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими яратилган. Иссиқлик энергияси тўққизта йирик иссиқлик маркази ва 167 маҳаллий қозонхонада ишлаб чиқарилади.

Яқингача иссиқлик манбаидан узоқ бўлган истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб беришда камчиликлар мавжуд эди. Айни пайтда ушбу муаммони ҳал қилиш масаласида Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Олмазор ва Юнусобод туманларида энергия тежайдиган ускуналар билан жиҳозланган 53 маҳаллий кичик қозонхона барпо этилди. Ушбу қозонхоналар иситиладиган объектлар яқинида жойлашган. Бу иссиқлик энергиясини етказишдаги йўқотишлар хавфи ва иссиқлик етказиш манбаларидаги бузилиш ҳолатлари камайишига хизмат қилмоқда.

Ушбу кичик қозонхоналарда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия ва ресурс тежайдиган қозонлар ўрнатилгани эътиборга лойиқ. Улар об-ҳаводан келиб чиққан ҳолда, сув ҳароратини назорат қилиш ва белгилаш имконини берадиган замонавий ўлчов асбоблари билан жиҳозланган. Бу фойдаланиладиган газ, электр энергияси ва сувни тежаш имконини беради. Жорий йил охирига қадар пойтахтимизда шундай 53 та маҳаллий кичик қозонхона қурилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Пойтахтимиз иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, замонавий энергия ва ресурс тежайдиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги маҳаллий қозонхоналар қуриш ушбу мақсадга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Ислоҳотлар оқимида

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2010 йил ноябрь ойида Президентимиз ташаббуслари билан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ижроси доирасида 2012 — 2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ҳамда уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонунлари қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчи, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг муҳим омилига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ҳамда рағбатлар яратиш билан бир қаторда, соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланган эди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, жорий 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ушбу чора-тадбирларнинг узвий мантиқий давоми ва ҳуқуқий асоси бўлди.

Мазкур Қонуннинг мақсади хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлигини оширишга қаратилган. Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ҳамда бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий қилинди. Савдо-сотиқ қоидалари, савдо ҳамда воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилганлиги айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Айрим мансабдор шахсларнинг турли баҳоналарни рўкач қилиб, тадбиркорни ноқонуний равишда овора қилиши, тирноқ остидан кир қидириши бизнесни ривожлантиришга тўсиқ ҳисобланади. Қонунда ана шундай аралашувларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида тадбиркорга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига** тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралашиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчи алоҳида боб киритилди.

Эндиликда кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади.

Киритилган ўзгартишларга кўра, текширишлар ўтказиш муддатларининг қисқарганлиги айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ушбу Қонуни билан **Солиқ кодексига** киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам мамлакатда ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бу борадаги қонунчиликни эркинлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жумладан, кодекснинг 108-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан *қамраб олиш* ёхуд тайинланган жарималарни *тўлиқ ёки қисман қўшиш* орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилиб, бунда жарималарнинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошмаслиги белгилаб қўйилди. Ушбу ўзгартиш қилингунга қадар солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, барча ҳуқуқбузарликлар учун жарима тарзидаги молиявий санкциялар қўшилиб, уларнинг умумий суммасининг юқори миқдори чекланмаган ҳолда ундирилар эди.

Ушбу Қонунда тадбиркорлар учун жуда кўплаб имтиёз ва имкониятлар берилиши билан бир қаторда хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш ҳам назарда тутилган. Хусусан, хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди.

Шунингдек, **Хўжалик процессуал кодексига** киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, давлат органининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги иш қисқа муддатларда, яъни ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Хўжалик судларида кўрилаётган ишлар ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги тадбиркорларнинг хўжалик судларига нисбатан ишончи тобора ортаётганлигидан далолат беради.

Хусусан, 2015 йил 29 декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ҳамда механизмларини жорий қилиш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни бартараф этиш борасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

М.АБДУЛЛАЕВА,
В.АХТАМОВА,
Тошкент шаҳар хўжалик суди судьялари

ИСТЕЪДОД ЧАШМАЛАРИ КЎЗ ОЧМОҚДА

Болаларнинг истеъдодларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танлови юқори савияда ўтказиб келинмоқда.

Чилонзор туман ҳокимлигида умумтаълим мактаблари жамоалари 6 та минтақавий гуруҳларга бўлинган ҳолда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг туман саралаш босқичлари ташкил этилди. Минтақавий саралаш босқичларида мактабларда ғолиб бўлган 32 та жамоаларнинг 256 нафар иштирокчилари қатнашди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, туман "Камалак" болалар ташкилоти раҳбар ва масъул ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари 4 та шарт бўйича иштирокчилар маҳоратини одилона баҳолаб боришди.

Кўрик-танловнинг Чилонзор туман босқичи ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилиб, ўғил-қизлар билим ва иқтидорларини намоён этишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хулосасига кўра 178-умумтаълим мактабининг "Тараққиёт" жамоаси 1-ўринни, 184-умумтаълим мактабининг "Иқтидорли ёшлар" жамоаси 2-ўринни, 202-мактабнинг "Соғлом келажак" жамоалари 3-ўринни эгаллашди.

Танловнинг туман босқичи ғолибларига Ҳаракатнинг Чилонзор туман Кенгаши томонидан фахрий диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Замира РАҲМОНОВА

Санъат

ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИЛДИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Халқ чолғуларида ижрочилик" кафедраси томонидан талабалар иштирокида "Қўш-қарс" доирачилар ансамблининг концерт дастури ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Абдулаҳад Абдурашидов, "Ниҳол" мукофоти совриндори Гулзода Худойназарова, Республика халқаро танловлар совриндори Гулмира Маликова, эстрада хонандалари Баҳром Назаров, Масрур Усмоновлар барчани Наврўз байрами билан қутлаб, ўзларининг куй-қўшиқлари билан йиғилганларга хуш кайфият улашишди.

Тадбирда "Қўш-қарс" доирачилар ансамблининг бадиий раҳбари Илҳом Икромовнинг шогирдлари юқори ижро маҳорати билан томошабинлар қалбидан жой олди.

Нилуфар ҚАРШИЕВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейида ўғил ва қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёш сиёсатчилар клуби аъзолари, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ва ёшлар иштирок этди.

Лицей директори Ҳ.Султонов ва бошқалар мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллат генофондини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз томонидан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ушбу мақсадга йўналтирилган.

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 50-52 фоизи турмуш тарзи ва истеъмол қиладиган озиқ-овқат, 20 фоизи атроф-муҳит таъсири ва 8-10 фоизи тиббий хизмат сифатига боғлиқ, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши сектор мудири Умурбек Бектемиров. – Тадбирда ёшлар билан ушбу масала юзасидан фикр алмашдик. Зарарли одатларнинг оқибатлари ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш хусусида сўзлаб бердик.

Тадбирда эрта никоҳнинг олдини олиш, оилаларда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ПАТРОНАЖ ОЙЛИГИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Учтепа туманидаги Марказий кўптармоқли поликлиниканинг "Алгоритм" филиалида 54 та тиббий ходим, йигирмата шифокор, 34 та патронаж ҳамшираллар ўнга яқин йўналиш бўйича аҳоли саломатлиги йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Патронаж ойлиги доирасида поликлиника шифокор ва ҳамширалари оилаларга чиқиб, хонадон аҳлининг саломатлиги, турмуш тарзи, уйнинг тоза-озодалигига эътибор қаратмоқда.

Изза даҳасига ҳамда 30, 31-кварталга бириктирилган умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалари билан Хужжиевлар хонадонида бўлдик. Бу ерда 75 ёшли Шарофат ая фарзандлари, келини ва невaралари билан истиқомат қилади. Шифокор онахонни, унинг келини ва невараларини тиббий кўрикдан ўтказиб, соғлигини тиклаш учун керакли тавсияларни берди. Оиланинг барча аъзолари, хусусан икки ойлик чақалоқ Жасмина ҳам тиббий кўрикдан ўтказилди. Хонадондаги тиббий ижтимоий муҳитга яхши баҳо берилди, саломатликка салбий таъсир этадиган муаммолар аниқланмади.

— Поликлиникамиз шифокор ва ҳамширалари аҳоли саломатлигидан ўз вақтида хабар олиб туради, — дейди ёш ҳамшира Эътибор Жўраева биз билан суҳбатда. — Ўз ишимизга масъулият билан ёндашишга ҳаракат қиламиз. Бунда муассасамиз бош шифокори Маъмура Эргашева ва устоз шифокорларимиз бизга йўл-йўриқ кўрсатиб келади. Аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилаётганимдан, озми-кўпми уларга фойдам тегаётганидан жудаям хурсандман.

Дарҳақиқат, патронаж ойлиги тадбирларини ташкил этишда оналар билан бир қаторда ҳудудлардаги таълим-тарбия муассасалари, корхона ва ташкилотлар, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг ҳам кенг қамраб олинишига эътибор қаратилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА





Ёлқин Шамсиддинов олган суратлар

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шу орқали соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оилада, соғлом онадан дунёга келади.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта турмуш қуриш жамиятнинг асосий бўғини саналган оила учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ФҲДЁ бўлимимиз томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда "Соғлом оилада — соғлом фарзанд", "Оила ва никоҳ", "Эрта турмушнинг салбий оқибатлари", "Саломатлик дарслари" каби тадбирларни ташкил этиб келмоқдамиз.

Шу билан бирга бўлимимизда ташкил этилган "Ёш оила қурувчилар мактаби" машғулотлари соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, маҳалла фаоллари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида зарур маълумотларни беришяпти. Хусусан, ўтган йили туман миқёсида "Ёш оила қурувчилар мактаби"нинг машғулотларида минглаб йигит-қиз иштирок этди.

Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга устувор вазифа сифатида аҳамият қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, фуқароларда қонунларга ҳурмат руҳини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос бўлади. Бу борада Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳа ходимлари учун муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилаётир. Айни жабҳада ФҲДЁ бўлимимиз томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинаётгани эътиборлидир. Хусусан, "Ёшларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши", "Оила ва ҳуқуқий тарбия муаммолари", "Оилани ташкил этишдаги ҳуқуқий асослар", "Никоҳ шартномасининг моҳияти", "Бола тарбиясида ота-онанинг масъулияти", "Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳақида" мавзуларида давра суҳбатлари ва семинарлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Шу кунларда янги оила қураётган ёшларимиз иштирокида мустақиллик ва оила ҳуқуқи ҳақида турли ибратли тадбирлар, хусусан, халқимиз ардоғидаги ибратли оилалар вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Озода АБДУАЗИЗОВА,
Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

Ўрол Тансиқбоевнинг уй-музейида фотосуратчи ва рассом Валерий Никоновнинг "Ёруғлик ва ранг – саккизинчи кун" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

СУРАТЛАРДАГИ СИРЛИ ОЛАМ

Бугунги кунда турли хил фотокамераларни кўплаб учратамиз. Ҳар бир инсонда бу жиҳоз билан ишлашда маҳорат талаб этилади. Биргина олинган суратда кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Валерий Никонов нафақат фотограф, балки рассом ҳам бўлиб, у композицияни ҳис этади, асарнинг туб маъносига аҳамият берган ҳолда, фотосуратлардан рангни танлаб, турли эффектлар орқали ўзи истаган натижага эришади. Унинг асарлари мутлақо ижодий бўлиб, фалсафий маънога тўла. У ўз асарларида афсоналарга кўплаб мурожаат қилади.

Кўргазмадан элликдан зиёд асарлар жой олган.

Валерий Никонов "Самарқанд", "Угом-Чотқол", "Миллий давлат қўриқхонаси" каби турли фото-китобларнинг ҳамда Самарқанд, Регистон каби машҳур буклетлар, "Weekend", "Олтин Бурчмулла" номли телефильмлар ҳамда киносценарийлар муаллифи ҳамдир.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Фестивалар

АНЪАНАЛАРИМИЗНИНГ БЕТАКРОР НАМУНАЛАРИ

Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳаси доирасида "Тошкент — меҳмондўст шаҳар" фестивали ўтказилди.

Дарҳақиқат, фестивални кузата туриб, ёшларимизнинг урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмати чексизлигини ҳис қилдик. Туманда жойлашган барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоят урф-одатлари асосида "Хуш келибсиз, азиз меҳмон" мавзусида миллий таомлардан дастурхон безатишди, "Вилоят тарихини ўрганамиз" мавзусида вилоят тарихи ва муқаддас қадамжолар ҳамда зиёратгоҳлар асосида махсус ижодий альбом, вилоятнинг миллий либослар кўргазмаси, "Наврўзи олам муборак" мавзусида деворий газеталари билан иштирок этишди. Шунингдек, туманда жойлашган умумтаълим мактаблари томонидан фестивалда миллий таомлар ҳамда туман "Баркамол авлод маркази" ҳамда умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган тўгараклар аъзолари томонидан ишланган ижодий ишлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Бебаҳо анъаналаримизни намойиш этган фестиваль давомида туман "Баркамол авлод маркази", ҳаваскор хонандалар, эстрада юлдузлари, "Йил қўшиғи" совриндори Баҳром Назаров, "Шуҳрат" медали соҳиби, хонанда Умид Шаҳобов, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби, эстрада хонандалари Қиличбек Мадалиев, Умар Шамсиев, Мустафо, "Ниҳол" мукофоти совриндори Юлдуз Низамова, театр актёрлари томонидан театрлаштирилган томошалар тақдим этилди. "Тошкент — меҳмондўст шаҳар" танловида ҳакамлар ҳайъати аъзолари таълим муассасаларидан иштирок этаётган жамоаларнинг жами тўртта шарт бўйича маҳоратларини одилона баҳолаб боришди.

Олам-олам таассуротларга бой тарзда кечган тадбирда 1-Тошкент педагогика коллежи, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи, 1-Республика тиббиёт коллежи жамоалари фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Фестивалда тумандаги 21 та умумтаълим мактаблари "Хуш келибсиз, азиз меҳмон" мавзусида миллий таомлар ҳамда "Қадриятлар бешигисан, Ватан" мавзусида деворий газеталар билан иштирок этишиб, фахрли ўринларга лойиқ деб топилди. Сурхондарё вилояти анъаналарини кўрсатган ҳолда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали 1-ўринни, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Қашқадарё вилояти урф-одатларини намойиш этиб 2-ўринни, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти водий урф-одат ва анъаналарининг намойиши учун 3-ўринни эгаллашди. Фестиваль якунида ғолиб бўлган жамоаларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати фестиваль доирасида дошқозонда сумалак тайёрланиб, тумандаги меҳрибонлик уйи, махсус мактаб интернати, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларга улашилди.

* * *

Ёшлар қалбида миллий ғоя, урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яшнобод туман Кенгаши томонидан "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" деб номланган фестивалнинг туман босқичи "Шош" тантаналар уйида ташкил этилди.

Мазкур фестивалда туманда жойлашган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллеж ва академик лицейлардан ташриф буюрган гуруҳлар миллий анъаналаримизни тарғиб этган ҳолда ўзаро беллашдилар.

Ташкил этилган фестивалда барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар урф-одатлари, миллий либослари, тарихий сиймолари акс эттирилди.

Тумандаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази, "Кўзмунчоқ" ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

Фестивалнинг танлов шартлари бўйича ғолиблар ҳамда номинациялар эгаларига "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Эътиборлиси тадбирда барча иштирокчилар анъаналаримизга содиқлик, урф-одатларимизни авлоддан-авлодга етказиш учун яратилган барча манбалардан изланишиб, тайёргарлик кўришганини намоён этишди. Миллий анъана ва урф-одатларга ҳурмат руҳида камол топган авлод келажагимизнинг бахтли вакилларига айланиши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА



Темур Мелибоевнинг сўнгги сурат

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA)нинг Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) ва ярим профессионал боксчилар (APB) йўналишлари бўйича турнирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз бокс федерацияси ҳамда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Ирландия, Туркия, Эрон боксчилари рингга кўтарилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган бокс ҳам мамлакатимиз ёшлари орасида тобора оммалашмоқда. Бунинг самарасида нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлаётган спортчиларимиз сафи йилдан йилга кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бу пойтахтимизда ўтган нуфузли мусобақада яна бир бор ўз тасдиғини топди. WSB йўналишидаги баҳсларда мамлакатимизнинг "Uzbek Tigers" ва Озарбайжоннинг "Azerbaijan Baku Fires" жамоалари ўзаро куч синашди. Унда боксчиларимиз 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўз вазн тоифасида Нодиржон Мирзаҳмедов Расул Салиевдан, Абдулҳай Шорахматов Яраш Магометовдан, Фазлиддин Мелибоев Заур Абдуллаевдан, Сардорбек Бегалиев Ҳажи Муртузалиевдан очколар бўйича устун келди, Улуғбек Ҳақбердиев эса Левани Лухуташвилини учинчи раундда нокаутга учратди.

– Мамлакатимизда биз, спортчилар ўз қобилиятимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун кенг имкониятлар яратилган, – дейди Улуғбек Ҳақбердиев. – 2016 йили бўладиган Олимпия ўйинларида иштирок этишни ва унда муносиб қатнашиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашни мақсад қилганмиз. "Uzbek Tigers" жамоаси 2 апрель куни Қозоғистонда "Astana Arlans" жамоасига қарши баҳс олиб боради. Эслатиб ўтамиз, жамоамиз "D" гуруҳида 13 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

APB йўналишида рингга чиққан Жасурбек Латипов эронлик Саяд Муҳаммадпур, Иқболжон Холдоров ирландиялик Петер Раймонд, Дилшод Маҳмудов туркиялик Ондер Сипал билан бўлган жангда ғалаба қозонди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

ТИББИЙ КЎРИК ЎТКАЗИЛДИ

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Яккасарой тумани 58-оилавий поликлиника ва туман тиббиёт бирлашмаси кўптармоқли марказий поликлиникаси тиббиёт ходимлари иштирокида тумандаги Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тиббий кўрикда умумамалиёт шифокорлари, кардиолог, невропатолог, кўз касалликлари шифокори ва бошқа соҳа мутахассислари иштирок этишди. Маҳалла гузарида ташкил этилган тадбир давомида 124 нафар киши тўлиқ чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтди.

Тиббий кўрикни ўтказишда маҳалла раиси, маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу каби тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад аҳолининг барча қатламини тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш, бир сўз билан айтганда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолини тиббий патронаж ёрдами билан қамраб олиш бўйича замонавий тизим яратилди, — дейди 58-оилавий поликлиника бош шифокори Назокат Гуломова. — "Патронаж ойлиги" давомида аҳолининг 97 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу ишларни кўнгилдагидек амалга ошириш мақсадида 100 нафар ходимлар жалб қилинган. Мазкур ойликнинг биринчи босқичи давомида аниқланган касалликлар ва тиббий-ижтимоий муаммолар аниқланиб, иккинчи босқичда хонадонларда текширув ва таҳлиллар ўтказилди, учинчи босқичда эса шифокорлар – умумамалиёт ва тор соҳа мутахассислари ётиб қолган беморлар, кексалар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 29 апрель куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, 2016 йил 16 март кунги ЖСҲ-2-57/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЎзР МХХ ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 2012 йилда и/ч дав. бел. 01/K/707/OA бўлган, Тойота Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 240 000 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/E/171OA бўлган, Тойота Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 74 989 968 сўм. 3. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/V/011/KA бўлган, Тойота Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 75 000 000 сўм. 4. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01/A/577AA бўлган, Lexsus IS250 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 161 985 728 сўм. 5. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/G/030/NA бўлган, Кадиллак Эскаладе Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 60 621 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 20% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

"101"

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ёнғин бир неча дақиқа ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, кулга айлантиради. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид, газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади.

Бундан ташқари ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги пайтда саноат корхоналарида ёнғин чиқиш хавфининг камайиши борасида ижобий ишлар амалга оширилган. Ёнғин чиқиш хавфи камайтирилиб, бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналар, ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенг қўлланилмоқда.

Лекин ёнғин чиқишининг олдини олишда, ўт ўчиришда асосий масъулият фуқаролар зиммасига тушиши ва уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларининг тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши лозим.

Дилшод МИРАЛИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
28-ҲЁХҚ инспектори,
сержант

НАЗОРАТ ТЕКШИРУВИ ДОИМО ЗАРУР

Яқинда шундай ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Йўлда кетаётган енгил машинадан тутун чиқа бошлади. Ҳайдовчи машинани тўхтатди ва олди капотни очди. Бирдан тутун аралаш аланга кўтарилди. Ҳайдовчи машинадаги ўт ўчириш воситасида ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилди-ю, бироқ аланга кучайди. Шунда ўт ўчириш хизмати ходимлари етиб келиб, ёнғинни бартараф этди. Аниқланишича, бу ҳолат симлардаги носозлик туфайли юзага келган.

Албатта, машина улов, қулайлик воситаси. Аммо унутмаслик керакки, у техника. Шу боис, уни эҳтиёт қилиш, техник қаровини мунтазам олиб бориш, энг муҳими, уни бошқариш жараёнида доимо ҳушёр бўлиш зарур. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, автомобилларда бўладиган ёнғинларнинг аксарияти электр симларининг носозлигидан келиб чиқади. Машинанинг техник кўрик муддати анча ўтган бўлса ёки назоратсиз турли қўшимча мосламалар ўрнатилса, унинг электр тизимлари қизиб кетиши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши муқаррар.

Маълумки, машинани ҳаракатлантирувчи асосий восита — ёнилғидир. У эса салгина бепарволик оқибатида дарҳол ёниб кетиши мумкин. Шу боис, ҳайдовчига қўйиладиган талаблардан бири — автоуловда доимо ўт ўчириш воситалари бўлиши шартдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳар бир ҳайдовчи автомашинасини махсус кўрикдан ўтказиб, электр ва ёнилғи тизимларини ўрнатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, машиналарда ёнғин ўчиргичлар олиб юриб, уларни ишлатиш қоидасини мукаммал билса, бундай офатларнинг олди олинган бўлар эди.

Е.КУЛМАНОВ,
Тошкент шаҳар
32-ҲЁХҚ катта
инспектори, кичик
сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*13-15, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 март** ва эрталаб **31 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **30 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Гарбдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9223

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.30

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ